

Болаларни ўқитиш

**Таълимни ривожлантиришга ахлоқий,
маънавий ва яхлит ёндашув**



TEACHING CHILDREN

**A MORAL, SPIRITUAL, AND HOLISTIC APPROACH TO
EDUCATIONAL DEVELOPMENT**

ANN EL-MOSLIMANY

(ШТ) «Китобларининг қисқача сериялари»

БОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШ

ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА
АХЛОҚИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ЯХЛИТ ЁНДАШУВ

ЭНН ЭЛ-МОСЛИМАНИ



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2022

УДК 297
ББК 86.38-6
Э 61

Китоб ҳомийси:

Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)
Херндон Виржиния АҚШ
Билимлар интеграцияси институти (ИКИ)
Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Энн Эл-Мослимани
Китобни инглизчадан ўзбекчага таржима қилган: Фарҳад Абдуллаҳ – Б.: 2022
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий веб - сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига кафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган №95**

Болаларни ўқитиш: Таълимни ривожлантиришга ахлоқий, маънавий ва яхлит ёндашув (Uzbek)

Энн Эл-Мослимани
ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)
1444 АН / 2022 СЕ
Paperback ISBN 978-9967-08-972-3

Teaching children: A Moral, spiritual, and holistic approach to educational development (Uzbek)

Ann El-Moslimany
ИИТ «Books-In-Brief Series»

The International Institute of Islamic Thought (ИИТ)
1442 АН / 2020 СЕ
Paperback ISBN 978-1-56564-998-9
E-Book ISBN 978-1-64205-344-9
ИИТ
P.O.Box 669
Herndon, VA 20172, USA
www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган
ISBN 978-9967-08-972-3

УДК 297
ББК 86.38-6

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир. Қисқа, ўқишга осон бўладиган, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулосалар катта ҳажмдаги нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиламизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундайди.

Энн Эл-Мослимани, ўнлаб йиллар давомида исломий билим бериш билан бирга ўзи ташкил этган исломий мактабини бошқарган тажрибали ўқитувчи. У Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ўсиб бораётган бир гуруҳ таниқли одамларга қўшилиб, бола ўрганадиган ҳар бир нарсага тўлиқ маънавий маъно бағишловчи яхлит таълим фалсафаси ва ёндашувига чақиради. Бу ҳар бир фарзанд маънавий, ахлоқий ва ақлий мақсад билан туғилади, унинг вазифаси имтиҳонлардан ўтиш учун шунчаки билим топиш эмас, балки Илоҳийликни, ўз табиатини, шунингдек, коинотдаги ўрнини билиш ва оқибатда инсониятга фойда келтирадиган яхши ишларга айлантириш деган асосий фикри билан бошланади. Шундай қилиб, бутун таълим тажрибасини яхшилаш мақсадида ҳаётий таълим тизимининг ривожланишига айнан шу қараш етакчилик қилиши керак.

Муаллифнинг таъкидлашича, болада яхлит дунёқараш, яратилган ҳамма нарса билан боғлиқлик, дунёни яхшироқ жойга айлантириш учун фуқаролик масъулиятини англаш, биргаликда яшаш ва бошқалар билан ҳамкорликда ишлаш қобилияти билан бир қаторда Олам ҳақидаги ахлоқий тушунчани тарбиялаш ҳар бир боланинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлиб, ўз имкониятларини янада кенгрок рўёбга чиқариш имконини беради.

У болаларни тақсимлаш, баҳолаш, мукофот ва жазо каби рақобатдош буйруқлардан (болаларнинг ишонч ҳисси ва ижодкорлигига путур етказадиган, шунингдек, самарадорлиги деярли ёки умуман исботланмаган шафқатсиз тизимдан) четлатилганда ривожланиб боришини тушунтиради. Бундан ташқари, қотиб қолган фактларни дарсликлардан олиб ташлаш ва уларнинг бирор мавзуга бағишланган ёндашувдан

фойдаланадиган кенгроқ ва кўп босқичли контекстларини кўриш учун уларнинг ҳақиқий ҳаётий вазиятлари ва ҳаракатларига мос равишда ҳаётга татбиқ этиш зарур. Бу болаларга асосий (ва мавҳум) масалаларни тўлиқроқ тушуниш имконини беради ва шу билан ҳаётий ҳиссий ва ижтимоий даражаларда ўз тушунчаларини ривожлантиришга имкон беради.

Иш, шунингдек, таълим тажрибасини илҳомлантириш учун энг янги инновацион воситалар ва технологиялардан фойдаланишни талаб қилади. Бу ҳақиқий ўқув муҳитини (синф ва мактаб) динамик ва қизиқарли жойга айлантлар эди, бу ерда ўқитувчи “жой устаси” эмас, балки болада энг яхши нарсаларни тарбиялашга кодир бўлган доно намунадир.

Ва ниҳоят, мусулмон мактабларида Илоҳийлик ҳар доим одатий бўлгани каби, механик тарзда эмас, балки ҳам Худо ҳам Унинг пайғамбарлари, инсониятга ваҳийлари ва Қуръон учун чуқур севги ва миннатдорчиликни уйғотадиган тарзда, шунингдек, болаларни ҳамма нарсада Унинг ишини кўришга ўргатадиган тарзда ўқитиладиган нарсаларнинг марказида бўлиши керак. Бошқа диндаги болалар билан мулоқот қилиш ва бошқаларнинг эътиқодларини, шунингдек, барча одамларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни ўрганиш орқали болаларга воқеликнинг икки кутбли версияси эмас, балки кучли ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда кенгроқ жамиятга бирлаштиришга имкон берувчи кўп динли ва кўп маданиятли тушунча берилиши лозим.

Энн Эл-Мослиманининг китобининг қисқартирилган нашри
БОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШ: ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА
АХЛОҚИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ЯХЛИТ ЁНДАШУВ

ISBN pbk: 978-1-56564-989-7

2018

Биринчи боб

Муқаддима

Ушбу китоб Исломда таълим жараёнини очиш учун курашимни ифода-лайди ва у АҚШда ҳам, чет элда ҳам ўз фарзандларимизни ўқитишга уринишда умидсизлик билан бошланган. Бошқа янги тўрт муслима аёл Америкадаги биринчи исломий мактабини очиш учун менга қўшилганда, улар анча ёш эдилар. Биз ўз ишимизга шўнғий бошлаганимизда ҳеч қандай Исломий таълим тизимини ишлаб чиқолмадик, қашф ҳам қилганимиз йўқ. Орадан бир неча йил ўтиб, мен ва эрим кутилмаганда ушбу лойиҳанинг бошида турганимизда мен Исломий таълим қандай бўлиши кераклиги ҳақида чуқурроқ ўйлай бошладим. Ўша пайтда Исломга оид ишончли (ҳақиқий) инглизча китоблар кенг тарқалган эмас эди. Бирок, Халқаро ислом тафаккури институти илмларни исломлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишга киришганимизда, улар томонидан балки биринчи бўлиб нашр этилган китобни ўқиш бахтига муяссар бўлдим.

Марҳум Исмоил Ал-Форуқийнинг дастлабки асарларида болаларни эмас, балки университет талабаларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Унинг таълим тизими Худонинг бирлигини ва бундан келиб чиқадиган яратилиш, инсонийлик, ҳақиқат ва ҳаракатнинг бирлигини, шунингдек, улар билан боғлиқ тамойилларни ўз ичига олиши кераклигини таъкидлагани мени илҳомлантирди. Фикр юритувчи мусулмонлар бу тамойилларни Ислом фалсафаси учун асосий деб билишган, аммо бу асосларда таълим бериш доимий ибодат, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўрганиш ва суҳбатни талаб қилади. Биз, ўқитувчи катори, мусулмон ўқувчиларимиз нафақат молиявий муваффақиятга тайёр бўлган ва баъзи диний билимларга эга бўлган ҳолда, балки Худога бўлган севгисига, яратилишни тушунишларига ва ер юзидаги ҳаётда жамоавий ва шахсий вазифаларини бажаришга содиқлигига асосланган ҳолда мактабларимизни тарк этишларини қандай таъминлай оламиз? Худо хоҳласа, ушбу китоб бизнинг муҳокамамизни рағбатлантиришга ёрдам беради ва бошқаларни ўз фикр ва ғояларини билдиришга илҳомлантиради. Ўтмишдаги мусулмон олимлари бошқа цивилизациялар ҳақидаги билимларни сақлаб қолибгина қолмай, балки уни Исломий қараш билан сингдириш учун қўлидан келган барча ишни қилганларидек, биз ҳам замонавий таълим назарияси нимани таклиф қилиши мумкинлигини синчиклаб ўрганишимиз, Исломий қадриятларга зид бўлган нарсаларни ташлаб, *тавҳид* доирасида энг яхшиларини мунтазам равишда тиклашимиз зарур.

Иккинчи боб

Танловимизни кенгайтириш

Мустамлакачилик даврида Ислом оламида рўй берган барча ишончли ўзгаришлар ичида унинг таълим тизимига таъсиридан кўра ҳалокатлироқ нарса бўлмаса керак. Ёт фанлар ва ўқитувчиларга эга дунёвий мактаблар жорий этилди. Рўйхатга олиш расмий, ёшга асосланган ва шахсиз эди. Кейинги синфга ўтиш энди шахсий маҳоратга эмас, балки имтиҳонлар, баҳолар ва маълум вақт оралиқларига асосланган эди.

Ғарб давлатлари ўз куч-қудратини ва фаровонлигини оширишда давом этар экан, мусулмон дунёси уларнинг таълим усуллари устун бўлиши кераклигини тахмин қилиб, уларга тақлид қилишга шошилди. Дин махсус диний мактабда ўқиш мавзуси ёки курсига айланди. Бу ерда, яъни Ғарбда Ислом дини гуллаб-яшнаган сари мусулмон ўқитувчилар баъзан ўзлари намуна сифатида дунёнинг кўп мамлакатларида мадраса деб аталадиган қадимий матнларни ёд олишга қаратилган диний мактабларни танлайдилар. Ёки улар ҳозирда нафақат Ғарбда, балки бутун дунёда топилиши мумкин бўлган мустамлакачиликдан кейинги рақобатбардош, ҳукмрон, дунёвий мактабларнинг намунасига эргашадилар. Кўпинча улар иккаласини ҳам танлайдилар: мадраса услубида ўқитиладиган “ислом” фанлари билан мустамлакачилик қолдиғи ва Ғарб таълимининг методологияси, ўқув дастури ва матнларидан фойдаланган ҳолда “дунёвий” фанлар (ўзига хос муаммолар мажмуасига эга бўлган аниқ ечим). Биз мулоҳаза қилиш, танқидий фикрлаш ва ижодкорликка афтидан тўсқинлик қиладиган таълим усуллари дикқат билан кўриб чиқишимиз, шунингдек, дунёвий мактаб таълимининг муҳим устунлиги ҳақидаги афсонани киритишдан қочишимиз керак. Биз динни ҳақиқий ҳаётдан ажратиб турувчи ушбу икки бузилган ва заифлашган тизимни дуалистик тузилишга киритишнинг одатий амалиётини узоқ ва пухта ўрганишимиз зарур. Бундай мактабларда “Ислом” кўпинча замонавий мактабларда ўқитиладиган бошқа курсларга ўхшаш методологияга эга бўлган яна бир мавзудир.

Фарзандларимизга сингдиришга интилаётган илм ҳаёт ҳақидаги мутлақо қарама-қарши бўлган, аммо ҳақиқатнинг ягона кўриниши билан иккита қарашнинг бирикмаси бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқат Худодан келади ва биз Унинг бирон бир қисмини биз итоаткорликда, ибодатда, ҳаракатда ва адолатда бўлишини ҳаётимизнинг яқуний мақсадидан ажрата олмаймиз.

Учинчи боб

Фабрика мактабидан стандарт бошқарув парадигмасига

Жамият ичидаги нуфузли гуруҳлар ўз мақсадларига эришиш учун институтларни, шу жумладан, мактабларни яратдилар. Мустамлакачи давлатларнинг асосий мақсади подшо маъмурияти учун хизматчи кадрлар тайёрлаш бўлганидек, Европа ва Шимолий Американинг саноати ривожланган мамлакатларидаги давлат мактаблари ҳам ўз заводрлари учун ишчилар тайёрлаш тизимини қабул қилганлар.

Нью-Йорк шаҳри ва штатида йилнинг энг яхши ўқитувчиси Джон Тэйлор Гатто АҚШдаги таълим тизимидан шунчалик кўнгли тўлдиди, у синфни тарк этиб, ўз ҳаётини мажбурий маълумотнинг асл мақсадларини кашф этишга бағишлади. У асосий мақсад куйи табақанинг ёшларни саноат элитасига бўйсунувчи вазифасини қабул қилишга ўргатиш эканлигини кўрсатди.

Бу илмий бошқарув деб аталадиган бўрон билан мамлакатни забт этган васваса томонидан тожланди. Самарадорлик мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган илмий бошқарув конвейер линиясини диққат билан назорат қиладиган заводларни инқилоб қилди. Тез орада у ҳамма жойда, шу жумладан, мактабларда ҳам қўлланила бошланди. Фабрикаларда бўлгани каби, бу талабалар ва ўқитувчиларни ўз ташаббуси билан эмас, балки раҳбарликнинг буйруқларига риоя қилишни талаб қилди. Бу мақсадга эришиш учун муҳандислар хом ашё (ўқувчилар), завод (бино), раҳбарлик (мактаб кенгаши), ишчи кучи (ўқитувчилар) ва бозорни (саноат ва жамият) синчиклаб текширишлари керак эди.¹ Мактабдаги бинолар доимий равишда иш билан таъминлаш учун бир хил нарса режалаштирилган вақт оралиғида бино бўйлаб ҳаракатланадиган болалар гуруҳларига қайта-қайта ўргатилмоқда.² Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида, бир хил тартибда, барча тенгдошлари ўрганадиган нарсаларни ўқишади. Улар жим бўлиб, тинглайдилар ва улар бир-бирига боғлиқ бўлмаган кичик қисмлар билан қопланадилар.

Ўрта ва юқори мактабда кўнғироқлар ҳали ҳам ҳар 40-50 дақиқада жаранглайди ва “сўлақай бўладиган Павловнинг итларига ўхшаб, болалар ўз ўринларидан туриб, бошқа синфга шошилишади”.³ Ёш болалар фақат махсус фанларни ўрганиш учун жойдан жойга кўчишлари мумкин бўлса-да, уларнинг куни ҳам бирликдан маҳрум бўлган алоҳида мавзуларга бўлинади. “Энди ўқиш китобларингизни қўйинг. Ма-

тематика вақти келди”. Бу ҳақиқатан ҳам бизнинг болаларимизнинг конвейерда бўлганига жуда ўхшайди. Улар алоқаси бўлмаган мавзулар билан ҳар бир иш станциясидан ўтаётганда, ваколатли шахслар томонидан олдиндан белгилаб кўйилган қирқ беш дақиқалик фактлар ўлчови уларнинг мияларига ўрнаштирилади. Синов сифат назоратини таъминламоқда.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан фабрика усулининг моҳияти ўлмади, балки оддийгина пухта ўйлаб қилинган, бирор мақсадга қаратилган, қисмларга бўлинган ва интизомий таълим дастурига йўналтирилган Стандарт бошқарув синдроми деб номланган нарсага айланди. Фабрика модели ҳам, SMP модели ҳам ўқитувчилар томонидан эмас, балки ҳукумат билан молиявий иттифок туфайли нуфузли корпоратив дунё томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.

Таълим нашриёт саноати ғоят каттадир. Улар таъсирига олган сиёсатчилар, хоҳ маҳаллий мактаб кенгашларида, хоҳ давлат ёки миллий сиёсатини ишлаб чиқувчилар бўлсин, нафақат болалар қандай ўқишларини билишмайди, балки синфлардагилардан фарқли мақсадларга ҳам эга. Бу кампания харажатларини тўлайдиганларга сиёсатчиларни мактаблар кўпроқ бир хил нарсаларга, яъни янги ва замонавий дарсликларга, кўпроқ тестларга, қаттиқ стандартлар ва фабрика/SMP моделлари асосида кўпроқ бошқарувга муҳтож эканлигига ишонч ҳосил қилишни оsonлаштиради.

Гейтс жамғармаси ва йирик таълим нашриётчиси Пирсон томонидан биргаликда тарғиб қилинган хай-тек синфлар (энг замонавий ва юқори технологик синфлар) Стандарт бошқарув парадигмасини ўзида мужассам этмоқда. Ўқувчилар Майкрософтдан сотиб олинган планшетларидан Пирсон томонидан аниқлаб олган олдиндан белгиланган материалларни ўрганиш учун фойдаланишади. Ўқитувчининг вазифаси амалдорнинг вазифасидан биров каттароқдир – тартибни назорат қилиш. Ушбу юқори технологик ўқишдан Майкрософт ва Пирсон учун молиявий фойда, албатта, жуда катта!

Дарҳақиқат, Исломий мактабларимизни бошқараётганларнинг аксарияти иложи йўқлигини таъкидлаб, сиёсатчиларнинг кенг тарқалган ғояларига сотиб юборганлари афсусланарли ҳолдир. Агар фарзандларимиз ҳақиқатан ҳам ушбу жамиятда муваффақият қозонишни хоҳласалар, унда қуйидаги ғояларига рози бўлишимиз лозим: тестлар орқали ўқиш; ҳаддан ташқари рақобат; ташқи мотивация; бадантарбия ва санъат каби беҳуда вақт кетказиш туюладиган нарсани рад этиш;

шунингдек, нафақат Ислом кадриятларига мос келмайдиган, балки кўпинча уларга зид бўлган ўқув дастурини қабул қилиш.

Бизда бир фикр бор! Корпоратив дунё қаршидан узоқдаги фикр. Бизнинг фикримиз умумийдир, чунки у асос соладиган ислоний *тавҳид* тушунчасига асосланади. Биз ўз умримизни мусулмон фарзандларига таълим беришга бағишладик. Бизда Ислом динининг мустаҳкам маънавий ва ақлий пойдевори бор ва биз ҳар доим инсоният ва барча ижодларнинг адолати учун курашиб, Худо биз учун яратган вазифаларни қабул қилдик. Биз кўплаб мусулмон зиёлиларнинг ғояларидан, шунингдек, болаларни қандай яхши ўқитиш борасида таълим соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эгамиз. Маърузачилар – онг соҳасида муаллимлар, мусулмонлар ва бошқалар. Бизнинг вазифамиз ўз қарашларимизни мактабларимизга, улар қаерда бўлишидан қатъий назар, ҳақиқатнинг ягона кўринишида кўллашдир.

Тўртинчи боб

Тавҳид қудратини очиб бериш

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Бундай содда ва шу билан бирга жуда чуқур бўлган баёнот биз, мусулмонлар, иймонимиз ва ҳаётимизни қандай қилиб яшашимиз керак бўлган ҳамма нарсанинг негизидир. Ўқитувчилар сифатида, биз ғамхўрлик қилаётган болаларни Ислоний ҳаёт тарзи пойдевори билан таъминлашимиз учун ушбу асосий инъомга таянишимиз шарт. Дарсларимизни режалаштирганда, қоида ва урф-одатларни ўрнатганда, ўқувчиларимиз ва ходимларимиз билан мулоқот қилганда, биз, мусулмонлар, ушбу *тавҳид* тушунчасига асосий тамойилимиз сифатида амал қилиш мажбурлигимиз борлигини унутмаслик учун онгли ҳаракат қилишимиз керак. Адолатсизлик ва зулмга қарши бир умрлик курашга, ҳаракат иймоннинг бир қисми бўлган бирлик ҳақидаги тасаввурга олиб борадиган умумий дунёқарашга, Худонинг марҳаматига сазовор бўлдик.

Ягона Аллоҳга бўлган ишонч *тақвони* (Аллоҳга қаратилганлик, художўйлик) буюрмоқда. Аллоҳ Таолонинг раҳмати ва шафқати Қуръони Каримнинг ҳар бир сурасида тилга олинган бўлиб, айнан мана шу фазилатларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ислом Худонинг яратилиш мўъжизаси, Унинг чексиз муҳаббатини, эзгулигини ва раҳм-шафқатини тан олиш, шунингдек, У Қуръон орқали бизни энг яхши ҳаёт

кечиришимиз учун бизга йўл кўрсатишини англаш орқали жуда яхши тарғиб қилинмоқда.

Қуръон ваҳийси нафақат бизнинг совғамиз, балки умумжаҳон инъомидир. Қуръони Каримда Аллоҳ ўн икки марта бутун инсониятга алоҳида мурожаат қилади. Шубҳасизки, Аллоҳ Таоло ўзининг барча ижодларини яхши кўради ва уларнинг ҳар бирининг Илоҳидир.

Инсоният шахсларнинг бой мозаикасидир. Уларнинг ҳаммаси умумий келиб чиқишига эга, лекин бир-бирини билиш ва ўрганиш учун мўлжалланган жуғрофий жиҳатдан ажралиб турадиган ва ташқи кўринишидан фарқ қиладиган турли хил халқчилликлар ва маданиятларни ҳосил қилади. Бундан ташқари, адолатга интилаётган кўплаб мусулмон бўлмаган шахслар ва ташкилотлар мавжуд. Яккалаш ҳеч қачон мусулмон бўлмаган жамоаларда мусулмонларнинг эҳтиёжларини қондира олмайди. Улар ҳақиқий ёки потенциал иттифокчилардир.

Агар биз ҳақиқатан ҳам “бир-биримизни таниб олиш” учун яратилган бўлсак, нега биз фарзандларимизни уларнинг ҳаётида кейинчалик бошдан кечиришга мажбур бўлишга кескин фарқ қиладиган Исломиё мактабда ажратиб олишимиз зарур? Шунинг учун болалар нозик ва осон таъсирланади. Биз уларни ёт муҳитга жойлаштирганимизда, буни “ё жон чиқсин, ё ном” деган тушунча билан қиламиз. Албатта, мустаҳкам иймон ва кучли шахсга эга бўлган бола салбий тўқнашувларга қарши туриш қобилияти туфайли кучга эга бўлиши мумкин. Лекин, бу ўзини камситилган деб ҳис қиладиганларга ёки мослашишга уринишда иймонини яширганларга қандай таъсир қилмоқда?

Аммо, бизнинг асосий мақсадимиз ҳимоя эмас, балки тайёргарликдир, яъни фарзандларимизни катта жамиятнинг ажралмас ва Худога қаратилган қисми бўлишга тайёрлаш. Ҳақиқий дунёдан узилиб қолишни ҳис қилмаслик ва шу билан бирга, болаларимизга кўплаб хатти-ҳаракатлар меъёрлари бизнинг эътиқодларимизга зид бўлган маданиятда Исломга мувофиқ қандай яшаш кераклиги ҳақида мустаҳкам пойдевор ва тушунча бериш учун пухта ўйланган режалаштириш ва ибодат талаб қилинади.

Биз фақатгина ўзимиз оккўнги бўлганимиздагина бошқа одамларни таний оламиз ва уларга биз билан танишишларига имкон беришимиз мумкин. Инсониятнинг бирлигига чинакам фидойи бўлиш учун иккита шартга риоя қилиш керак.

Мусулмон бўлмаган болаларни очиқ чехра билан кутиб олиш ва камиди турли хил ранглар, мазҳаблар ва этник гуруҳларнинг мусулмонларини ҳурмат қилиш ва қабул қилиш орқали турли-туманлик учун курашишимиз керак (ва турли-туманлик, албатта, курашни талаб қилади). Болалар Ислонда ҳам хилма-хиллик борлигини кўришлари зарур.

Бизга ишониб топширилган болалар ўзларини мусулмон деб атаётганларнинг нариги томонида қанчалик яхшилик борлигини қадрлашни ўрганишлари жуда муҳимдир. Тарих, таржимаи ҳоллар ва ҳозирги воқеалар ҳар кимнинг ўрганиши ва улардан фойда олиши мумкин бўлган мисоллар билан тўла. Бундан ташқари, Ислоний мактабларда ўқийётган болаларга бошқа мусулмон бўлмаганлар билан мулоқот қилиш имкониятини яратиш учун онгли равишда ҳаракат қилиш лозим. Бу жамоа хизмати, бошқа мактаблар билан ҳамкорлик, жамоа тадбирларда иштирок этиш орқали бўлиши мумкин ва бошқалар.

Биз ижтимоий адолатли таълимга интилишимиз керак. Ижтимоий адолатли таълим анъанавий фикрлаш ва амалиётдан ким фойда кўради ва у қандай содир бўлди деган саволни туғдиради. У ирк, синф, тил, жинс билан боғлиқ тенгсизликларга эътибор қаратади ва уларни бартараф этишга интилади.

Яратилишнинг бирлиги Ва Унинг оят-белгиларидан осмонлару ернинг яратилиши ва тилларингиз ва рангларингизнинг турлича бўлишидир. Албатта, бунда олимлар учун оят-белгилар бордир. (Қуръон, 30:22)

Худонинг бирлиги унинг яратилишида, яъни мақсадли, яхлит ва юқори тартибли яратилишда акс этмоқда. Ҳар бир таркибий қисмнинг ўзаро боғлиқлиги, аниқлиги ва уйғунлиги замон ва маконда, шунингдек, уларнинг чегараларидан ташқарида сақланиб қоладиган қолипларни яратган Қодир Зотнинг бирлигини намойиш этади. Фақат ягона Худо маълум қонунларга қатъий риоя қиладиган коинотни яратган бўлиши мумкин. Яратувчи ўзининг чексиз ҳикмати билан ҳар бир мавжудотнинг вазифасини белгилаб берган. Тана тизимларининг мукамал уйғунлигини, битта хужайранинг ҳайратланарли тузилишини, атомнинг аниқлигини ёки кўёш системасининг тартибини кўриб чиқамизми, буларнинг барчаси режанинг натижаси эканлигини билмасдан иложимиз йўқ. Ҳатто янада ақл бовар қилмайдиган нарса шундаки, уларнинг ҳар бири бир-бирига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Табиат жисмонийдан кўра кўпроқ нарсадир, унинг ҳар бир мўъжизаси бир *оят*, ягона Илоҳнинг белгисидир.

Яратилишнинг бирлиги ўқув дастурининг барча жиҳатлари учун муҳим, у кўпинча жуда парчаланиб кетган фанга оид материаллар ва мавзуларни ўрганишда айниқса муҳим бўлади. Илмий матн, одатда, бир-бири билан деярли алоқаси бўлмаган бир қатор ажратилган мавзулардан иборат бўлади ва уларнинг барчаси “фан” деб ҳисобланади. Синф кейингисига ўтиш учун ҳар бир мавзу тезда тугайди. Шу тариқа, болалар Аллоҳнинг яратилишини ажойиб бир бутун нарсага боғлайдиган ўзаро алоқаларни кўриш ва қадрлаш учун зарур бўлган вақтдан маҳрум. Бу дунёдаги Худонинг белгилари ҳақида ўйлаш, тафаккур қилиш ва ҳайратда қолиш учун вақт керак.

Бешинчи боб

Ҳақиқат бирлиги

Гоҳида Сизтл шаҳридаги Исломий мактабга келувчилар келиб, соддалик билан “Сиз ҳам диний, ҳам дунёвий фанлардан дарс берасизми?”, деб сўрашарди. Ўша пайтда ясама минбаримга чиқиб, “Йўқ! Йўқ! Йўқ!”, деб бақирмаслигим қийин эди. Дунёвийлик тушунчаси Исломга бегонадир. Мактаб шароитида “Исломий илмларни” “оддий” фанлардан ажратиш фақат динни ҳаётдан алоҳида нарса деб ҳисоблайдиган тафаккурни мустаҳкамлайди. Бирини ваҳий орқали, иккинчисини ақл орқали англайдиган икки ҳақиқат бор, деган тасаввур *Тавҳиднинг* асосий Исломий тушунчасига зиддир. Билим бизга етиб борадиган йўллардан фарқ қилади, лекин ҳамма ҳақиқат ягона Худодан келади. Билимга озгина “Исломий илмларни” кўшиб, Исломий таълим оламиз, деб мутлақо тахмин қила олмаймиз. “Исломий илмларнинг” бутун тушунчаси Ғарбий тузилишдир!

Ислом кўр иймон эмас. Ҳолбуки, мусулмонларни тафаккур қилишга, ўйлаб кўришга, чуқур мулоҳаза қилишга чақирувчи амрларга қарамай, қизиқиш ва сўраш уларнинг иймонига зарар келтиришидан кўрқиб, фикр юритишдан кўрқадиган мусулмонлар кўп. Афсуски, мусулмонлар турли хил эътиқод ва қадриятлар тизимларига эга бўлган бир қанча цивилизациялар билимига дадил ва жасорат билан қарши чикқан ўтмишдаги муваффақиятлардан сабоқ олиш учун жуда кам ҳаракат қилинган. Жиддий қийинчиликлар, келишмовчиликлар ва муваффақиятсизликларга қарамай, мусулмон зиёлилари охир-оқибатда таржима қилинган улкан билимларни ягона, аммо бир хилда бўлмаган *илм* мажмуасига бирлаштиришга муваффақ бўлишган.

Олгинчи боб

Ақл, мия ва таълим фани

Бизнинг Яратувчимиз миямизни ваҳийларга асосланиб, билимни излаш ва тушуниш учун ақлдан фойдаланишимиз мумкин бўлган тарзда ташкил қилган. Ғарб фани ҳамиша рух, шахсият, ақл, онг ва жисмоний бўлмаган юракнинг табиати билан курашиб келган. Ушбу тушунчаларни материалистик, юзаки илм-фан доирасида шунчаки тузиш мумкин эмас. Яхшиямки, биз инсон ақлининг мия деб атайдиган жисмоний аъзога тенг эканлигини ўргатган эски илмийнамоликлардан ташқарига чиқдик. Аввалги муаммолар туфайли синфда “мия асосидаги таълимни” бутунлай тарк этиш ўрнига, биз инсон миясининг ўрганиш учун қандай яратилганлиги ҳақида илмий жиҳатдан тасдиқланган тадқиқотларнинг катта миқдорига жиддий қарашимиз керак.

Масалан, талабанинг ҳиссий ҳолати унинг қандай ўрганаётганига катта таъсир кўрсатади. Депрессия узоқ вақт хотирада иштирок этадиган миянинг бир қисми бўлган гиппокампа таъсир қилиш орқали ўрганишга тўсқинлик қилади. Стресс пайтида чиқарилган гормонлар физиологик жиҳатдан ўрганишга ҳалақит бериши мумкин, ҳатто миянинг маълум жойларининг ёмонлашувига олиб келади. Баъзи ўқувчиларда тестлардан олдинги ташвиш шунчалик кучли бўлиши мумкинки, у хотирадан фойдаланишга тўсқинлик қилади. Шубҳасиз, стресснинг сабаблари ва оқибатлари шахсга қараб фарқ қилади. Ҳушёрлик қарши чиқиш (чакирик) билан кўллаб-қувватланади, бу стресснинг паст даражаси ижобий бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Шундай бўлса-да, баъзи ўқувчиларни рағбатлантирадиган нарса бошқалар учун жуда кийин бўлади. Бу ҳар бир ўқувчимизни билиш қанчалик муҳим бўлганлигини яна бир бор таъкидлайди. Ўқитувчилар ўзларининг чеҳралари ва овоз оҳангларида хабардор бўлишлари зарур, чунки иккаласи ҳам тез ва беихтиёр равишда таҳдид даражаси мавзуида баҳоланади. Ҳазил-мутойиба ва кулги ўрганишга ҳисса қўшади, гарчи бу содир бўладиган механизм номаълумдир.

Синфдаги муҳит, биринчи навбатда, болаларга ҳис-туйғуга оид хавфсизлик ҳисси билан таъминлаши керак. Ўқувчилар орасида, шунингдек, ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳурмат бўлиш керак. Ўқувчилар масҳара ёки умидсизликдан кўркмасдан ўзларини ифода этиш учун эркин ҳис қилишлари керак. Синфдаги салбий тажрибалар ўрганиш қобилятига катта таъсир кўрсатади. Ҳамкорлик қоида бўлиши шарт. Фикрлар алмашинуви концептуал (тушунчага оид) англашни кенгайтиради. Ўқитувчилар ўзаро фаол тадбирни ривожлантиришга вақт

ажратишлари керак. Муаллим ва бошқа талабаларга фойда келтирадиган ўзаро таълимни рағбатлантириш мақсадида баъзи фаолиятлар ўхшаш қобилиятга эга бўлган болаларни, бошқалари эса турли қобилиятларга эга бўлган болаларни ўз ичига олади. Ўқитувчига йўналтирилган фаолиятни минимумга келтириш лозим.

Ўрганиш ва хотира бир-бирига боғлиқ бўлса-да, улар бир хил нарса эмас. Хотира маълумот сақланадиган жойдир ва ўрганиш бу маълумотни ўзлаштириш ва уни миянинг бир қисмига айлантириш жараёнидир. Хотира жуда мураккаб, аммо, эҳтимол, билиш керак бўлган энг муҳим нарса бу қисқа вақт ва узоқ вақт хотира ўртасидаги фарқдир. Биз кўп нарсаларни қисқа вақтга эса сақлаймиз. Агар хотира мустақкамланмаса, у йўқолади. Унга фақат эътибор бериш, уни мавжуд билимлар билан боғлаш, қайта кўриб чиқиш ва мустақкамлаш орқали, у узоқ муддатли хотиранинг бир қисмига айланади. Турли сезги аъзолари ахборотни мияга турли йўллар билан узатади, шунинг учун турли сезги аъзоларини рағбатлантирадиган тарзда машқ қилиш фойдалидир. Ўрганиш диққатни, яъни маълумотларга танлаб ишлов беришни талаб қилмоқда. Диққат-эътиборнинг тўпланганлиги қувватни талаб қилади ва уни абадий давом эттириб бўлмайди. Айрим ўқувчилар, айниқса, ўқитувчига йўналтирилган маъруза туридаги муҳитида ўз диққатини йигирма дақиқадан кўпроқ вақт давомида қаратишлари мумкин. Қисқа танаффусга рухсат берувчи ҳар қандай ўзгариш ёки фаолият диққатни қайта тиклашга ёрдам беради. Эҳтимол, танаффус берадиган диққатнинг қайта тикланиши ёки ҳаракат келтириб чиқарадиган оксидланишнинг кучайиши туфайли ҳаракат ўрганишга ижобий таъсир кўрсатади. Болалар фаолиятдан манфаатдор бўлса ҳам, улар алоҳида ёки гуруҳларда, айниқса, ҳар қандай серҳосил диққат-эътиборнинг тўпланганлигидан кейин ўйлаш учун вақт ажратишлари керак.

Бугунги кунда ижобий ёки салбий тажрибаларимиз натижаси бўлмаган, балки туғилишдан келиб чиқадиган туғма фазилатлар мавжудлиги деярли ҳамма томонидан тан олинган. Боланинг ақли бўш варақ эмас ва билимни “чайнаб, оғзига солиб” бўлмайди ёки одамга мажбурлаб бўлмайди. Уларни фақат фаол ва ўқувчиларга йўналтирилган муҳит орқали рағбатлантириш мумкин, унда ўқувчилар миядаги доимий ўзгарувчан қолиплар орқали ўз таълимини курадилар. Шу тарзда, МВЕ фани (ақл, мия ва таълим фани) ривожланувчи ва конструктивистик ўрганишни ва бихевиоризмни рад этишни қўллаб-қувватлайди.

Билимнинг узок вақт хотирага қандай киритилганлиги ҳақидаги бугунги тушунчани қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- Айнан бир хил ўқийдиган иккита бола йўқ;
- Ўрганиш олдиндан мавжуд билимларга асосланади;
- Болаларга йўналтирилган таълим ўқитувчига қаратилган таълимдан кўра самаралироқдир;
- Мазмун мавзуга тегишли бўлиши керак;
- Ўрганиш ўйланишни талаб қилади;
- Ҳаракат ўқиш-ўқитишга ижобий таъсир кўрсатади;
- Бир нечта сезгилар иштирок этганда, ўрганиш энг яхши рўй беради;
- Ҳис-туйғулар таълимга кучли таъсир қилади;
- Ҳақиқий таълим якка тартибда қурилиши лозим.

Еттинчи боб

Тавҳид асосидаги ягона ўқув дастури сари

Воқелиқнинг тизимли табиати, миянинг уни қабул қиладиган бенуксон усули, хотирага ёрдам берадиган ташкилий жараён, янги билимларни яратадиган тегишли жараён, янги ғояларни тақдим этувчи концептуал (тушунчага оид) тармоқ, ижодкорлик асосида ётган бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита ғоянинг бирлашмаси – уларнинг барчаси яхлит, тизимли интеграциялашган ва ўзаро боғланган тафаккурга таянади.⁴

Билимларни узатишнинг анъанавий методологияси миянинг тузилиши ва ҳақиқат бирлиги билан мос келмайдиган тахминларга асосланган. Худо инсон миясини билим бирлигига мос келадиган тарзда яратган. Янги ахборот миянинг ичида ташкиллашади. Аввал ахборот бутунлай сингиб кетади. Кейинчалик, шахсий келиб чиқиши, оиласи, қобилиятлари ва айниқса тўпланган билимларга асосланган қолипларни шакллантириш орқали ноёб алоқалар яратилади.

Редукционизм (юзакичилик) ўқув дастурига қўлланилганда, натижада ўрганиш учун зарур бўлган қолипларни яратишга тўсқинлик қилувчи, парчаланган, изчил ва стандартлаштирилган фактлар тўплами пайдо бўлади. Бундан ҳам ёмони, биз буни ўзлаштирмовчилар деб ҳисоблан-

ганлар билан ишлатишимиз мумкин ва маълумотни шунчалик кичик бўлақларга қисқартамызки, тушуниш учун қолиплари йўқолади. Кўпчилик мактабларда ўқув дастури материалнинг қомусий ҳажмини ёмон қамраб олган матнларга боғланган. Бу ўқувчиларнинг ўз ҳаёти ва манфаатларига энг мос келадиган мавзуларни чуқур ўрганишга имкон бермайди. Шунингдек, бу ўқитувчига талабанинг узок вақт хотирасининг бир қисмига айланадиган ҳақиқий ўрганишига эътиборини қаратишга тўсқинлик қилади.

Ушбу стандарт ўқув дастури қанчалик кенг тарқалган бўлса-да, билимларни изчил бир бутунга бирлаштиришга содиқлик узок тарихга эга. “Мактаб фабрика сифатида” нусхаси мустаҳкамлангани боис бошқалар демократия ва лойиҳаларни жорий этиш орқали болалар ва ўсмирларнинг тараққиёт манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таълим дастурларини тарғиб қилишга ҳаракат қилдилар. 1932-йилидаёқ кўплаб мактаблар классик “сақиз йиллик ўқитишни” амалга оширишга имкон бериш учун ушбу нусха билан тажриба ўтказдилар. Бирлаштирилган ўқув дастурига эга бўлган ўрта мактаблари ўқувчилари алоҳида таълим олган мактаб ўқувчилари билан таққосланди. 1475 жуфт ўқувчи ўрта мактаб ва коллежда ўқитилди. Ҳар бир жуфт бирлаштирилган, ўқувчиларга йўналтирилган ўқув дастурига эга бўлган инновацион мактабларнинг бир ўқувчисидан ва стандарт, ўқитувчи бошқарадиган, алоҳида ўқитишга эга бўлган мактабларнинг бир ўқувчисидан иборат эди. Маълум бўлишича бирлаштирилган ўқув дастурига эга бўлган мактаб ўқувчилари интеллектуал жиҳатдан кўпроқ қизиқувчи, ғайратлироқ, топқирроқ ва халқаро вазият ҳақида кўпроқ ташвишланишган экан.

Бироқ қирқинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб бундай мактаблар ўнглр томонидан танқид нишонига айланишди. Маккарти даврида хужумлар кўпайди. Ҳар қандай илғор таълим коммунистик деб аталди. Давлат мактабларида тематик таълим ҳеч қачон тикланмаган.

Таълим мутахассислари орасида бугунги кунда деярли барча давлат мактабларимизда ишлатилаётган стандарт ўқув дастурини чинакам қўллаб-қувватлайдиган бир нечта одамни топиш жуда қийин. Бироқ, афсуски, мавзуларнинг самарасиз, асрлик бўлиниши доирасидан ташқарига кенг кўламли қадам ташлашга умид йўқ бўлса керак. Таълим ислоҳоти номи билан нуфузли бизнес ва саноат раҳбарлари ўқитувчиларни четга суриб, ўзларининг сиёсий иттифоқчилари ёрдамида мактабларни назорат остига олишмоқда. Сўнгги йилларда бу кўплаб стандартлаштирилган тестларнинг пайдо бўлишига олиб келди, ўз на-

вбагида бу ўқитувчиларни талабаларга тестларини топширишга ўргатишга мажбур қилади ва яхлит ўрганишга тўсқинлик қилади.

Айтиб ўтилган муаммолар давлат мактабларининг муаммолари эканлигини таъкидлаш муҳимдир. Исломиё мактаблар, бошқа хусусий мактаблар сингари, ушбу махсус манфаатдор гуруҳларнинг назорати остида эмас, лекин уларнинг аксарияти давлат мактабларини стандарт сифатида қабул қилишда давом этмоқда. Фарзандларимиз кўпроқ нарсага лойиқдир. Биз ўзига хос хусусий мактабларга қараганда ҳам яхши ишлашимиз мумкин, чунки бизнинг тематик ўқув дастуримиз Қуръонда бизга берган тамойилларни қамраб оладиган Худога қаратилади. Мусулмонлар ва улар аъзо бўладиган катта жамоаларда етакчилар сифатида ҳаётларини бойитиш ва йўналтириш орқали келажак авлодларга фойда келтирадиган тамойиллардир. Бизнинг тематик ўқув дастуримиз танқидий фикрлаш, мулоҳаза қилиш, ички ҳис ва бошқа чуқур ўрганиш усулларини рағбатлантиради.

Албатта, Худодан кўра материализмни (моддий манфаатдорликни) ҳуқуқий жиҳатдан биринчи ўринга қўядиган мактаблар учун тайёрланган дарсликлар чинакам Ислом мактабининг пойдевори бўла олмайди. Ислом мактабидаги мусулмон муаллимнинг Яратгувчи, *Ал-Холиқни* атайлаб ва бутунлай истисно қиладиган белгиланган ўқув дастури бўйича дарс бериши ақлсизликдир. Шубҳасиз, бу нафақат Худони бадном қилади, балки биз масъул бўлган болалар учун ҳам адолатсиздир.

Тавҳидга асосланган ўқув дастуридан фойдаланган ҳолда, талабалар изчиллик билан ўрганишлари, эслашлари, шунингдек, ўйланмасдан ва фикр юритмасдан даврий равишда ўқитувчига қайтариб беришлари учун бир қатор фактлар тақдим этилмайди. Бу шуни англатадики, ҳар қандай одатий дарсликлар, шу жумладан, мусулмон мактабларида фойдаланиш учун махсус ишлаб чиқилиши мумкин бўлган дарсликлар, эҳтимол, маълумотнома сифатида фойдаланишдан ташқари самарасиздир. Одатий ўқув курсида материал бир неча алоҳида мавзу шаклида ўқитиладигани, уларнинг ҳар бири нисбатан қисқа даврда ўрганилиши зарур. Йил охири яқинлашган ва китоб ҳали тугамаган тақдирда, вақт кўпинча янада қисқаради. Бундан ташқари, дарсликларни ўқитиш амалиёти синфдаги ҳар бир бола бошқа ҳар қандай тенгдошга ўхшаш олдинги билим, қизиқиш ва кўникмаларга эга эканлиги ва шунинг учун ҳам бир-бири билан биргалашиб ўрганади ёки ўрганиши керак, деган қасддан нотўғри тахминларга асосланган.

Китоблар, яъни ҳақиқий китоблар, албатта, керак, лекин ҳар бир киши бир хил китобни ўқимайди ва ўрганмайди, шунингдек, уларнинг ҳаммаси мавжуд бўлган барча материалларни ўқимайди. Олдиндан тайёрланган кўпгина фактларни тез ҳал қилиш ўрнига, ҳар бир талаба тўпланган билимларига таяниш, ўз қизиқишларига амал қилиш, ўз саволларига жавоб излаш учун вақт ўтказиши мумкин ва ҳақиқатдан ҳам улар учун энг муҳим бўлган нарсаларни англаб етиши мумкин бўлади. Шу боис, барча турдаги ва турли хил даражадаги қизиқарли китобларнинг мўллиги керакли нарсадир.

Тематик ёки фанлараро ўқитиш кўплаб ўқитувчилар томонидан муҳокама қилинган. Шубҳасиз, улар тафсилотлар бўйича келишмайдилар, ammo бир нечта муҳим омиллар бўйича умумий келишув бор.

Ўқитувчи тақдим этилаётган мавзулар учун чуқур, пухта пойдевор мақсадга эга бўлиш зарур. Тарафдорлар ушбу пойдевор мақсад учун кенг концептуал (тушунчага оид) англаш, муҳим масала, ташкилий марказ, умумий аҳвол, кенг қамровчи мақсадлар, кучли ғоялар, концептуал тузилма ва мустаҳкам тушуниш каби турли хил атамалардан фойдаланишган. Мен ушбу пойдевор мақсадларни ўзига хос Исломий тамойиллар бўлишини тавсия қиламан. Ўқувчилар мавзу ва бу кенг Исломий тамойиллар ўртасидаги муносабатни кашф қилишлари ва ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқдир, ўқитувчининг вазифаси уларни бу тушунчага йўналтиришдир.

Джей Мактиг ва Грант Уиггинс⁵ “муҳим масала” деб номланган нарсаларга бўлган ўз талабларини қуйидагича баён қилишган:

1. Улар очиқ ва, одатда, битта якуний тўғри жавобсиз бўлиши керак.
2. Улар ўйлаб кўришга ундайдиган ва интеллектуал жиҳатдан жозибали бўлиши зарур.
3. Улар етказилиши мумкин бўлган муҳим ғояларга ишора қилишлари лозим.
4. Улар кейинги тадқиқотларга ҳисса қўшадиган яна бир саволни кўтаришлари керак.
5. Улар шунчаки жавобни эмас, балки қўллаб-қувватлаш ва асослашни талаб қилишлари зарур.
6. Улар вақт ўтиши билан қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлган тушунчага олиб келишлари лозим.

Бирлаштирилган ўқув дастурини илгари сурган деярли ҳар бир киши талабанинг режалаштиришдаги вазифаси муҳимлигига розидир. Ўқувчилар ва ўқитувчилар мавзуларни аниқлаш, маълумот тўплаш, саволлар тузиш, шунингдек, топшириқлар, лойиҳалар ва “сайёр дарсларни” ишлаб чиқиш учун биргаликда ишлашлари даркор.

Муҳаммад Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам)* Аллоҳнинг каломини тўғридан-тўғри олувчи, ибратли устоз бўлганлар. Ҳар ҳолда, Қуръон унга у ҳар жиҳатдан устун бўлган кишилар билан маслаҳатлашишни буюрган. “...ва улар билан ишларда машварат қил...” (Қуръон 3:159) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра насихат сўрашга мойилроқ одамни кўрмаганман”, – деб айтган. Атрофдаги эркинлик ва адолат муҳити эркин ва адолатли фикр алмашиш ва маслаҳат беришга интилишни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳар бир ўқувчининг ишлаб чиқилган барча тадбирларда иштирок этиши кутилмайди. Бирлаштирилган ўқув дастурининг энг муҳим афзалликларидан бири шундаки, у табақалаштирилган ўқитиш имконини беради. Ҳар доим маълум бир танлов даражаси бўлиши керак, чунки алоҳида болалар ёки болалар гуруҳлари ўзларининг ноёб таълим услублари, ўзига хос эҳтиёжларига кўра ишлайдилар, шунингдек, ўз кизиқишлари ва ташвишларини чуқурроқ излайдилар.

Фикрлаш жараёнларининг тармоқлари ўзаро боғланган бўлиб, янги таълим мавжуд билимлар билан муносабатдор бўлганлиги сабабли ўрганиш долзарб бўлиши лозим. У шунчаки кизиқишлар ёки ғалатлик бўлмаслиги керак, балки муҳим масалалар соҳасида бўлиши зарур. Таълим биз яшаётган ижтимоий ва сиёсий муҳитга синфда ёки мактабда кутилмаган тарзда содир бўлган ҳар қандай ходисаларга қараб ўзгариши керак. Ўқувчиларимизнинг ҳаётига таъсир қилувчи вазиятни тушунишга уринишнинг шахсий аҳамияти нафақат дарҳол тушуниш, балки келажакда уларга хизмат қиладиган пойдеворни ҳам кўйиши мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатганларидан кўра қандай яхши мисол келтира оламиз. Деярли ҳар бир дарс ҳақиқий вазиятга жавобан ўқитилган. Қуръонни тушунишнинг муҳим жиҳати Худонинг сўзлари ва атроф муҳитдаги воқеалар ўртасида ўзаро муносабатини аниқлашдан иборат.

* Соллаллоҳу алайҳи васаллам (Ṣallā Allāhu ‘alayhi wa sallam) – Аллоҳнинг саломи ва баракаси у билан бўлсин. Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исми зикр қилинганда ҳар доим шундай дейилади.

Фактлар ва кўникмалар воситалардир. Улар алоҳида ёки уларнинг ўзлари учун ўргатилмаслиги керак. Ўқитувчи малака, мавзу ва дарсни пойдевор мақсадларга диққат билан бирлаштириши зарурки, шунда улар ўртасида синергия бўлсин. Болаларга қимматбаҳо вақт совғаси, яъни ўйлаш учун, кашф қилиш учун ва завқланиш учун вақт берилиши лозим. Мустақкам тушуниш учун ўқувчилар тафаккур қилиш, муҳокама қилиш, мулоҳаза юритиш имконига муҳтождир, янги кўникмалар ва мавзунини тўпланган билимлар билан боғлаш учун вақт талаб этилади. Шошилиб ўрганилган ва ўйламасдан ёки ижодкорликсиз ташлаб юборилган фактлар камдан-кам ҳолларда узоқ вақт хотирада қолади.

Мия ҳақида билганимиздан шундан хабардор бўламизки, ўқув жараёнида қанчалик кўп сезги аъзолари иштирок этса, бу билимлар бизнинг доимий хотирамизнинг бир қисмига айланиш эҳтимоли шунчалик юқоридир. Лойиҳалар, тадқиқотлар, роль ўйинлари, мустақил ишлар, “сайёр дарслар” ва таклиф этилган меҳмонлар – буларнинг барчаси турли хил таълим имкониятларини тақдим этади. Ўқитувчи мутахассис ёки ҳатто билимдон бўлиши шарт эмас. Сиз ўқувчиларингиз билан бирга ўрганишингиз мумкин, ўқитиш айниқса муҳимдир. Ўқитувчилар тажрибасидан ташқари YouTube, видеолар, ҳамкасблар, махсус китоблар, таклиф этилган маърузачилар, “сайёр дарслар” ва ўз эҳтиросларини ривожлантирадиган ўқувчиларнинг ўзларидан фойдаланиш мумкин.

Қуръон бизга нафақат иймон келтиришимизни, балки иймонимизни яхши амаллар билан тасдиқлашимизни ҳам кутилаётганлигини қайта-қайта эслатиб турмоқда. Иймон ва билим табиий равишда ҳаракатга олиб келиши керак. Шундай қилиб, ўқувчилар жамоат йиғилишларида иштирок этиш, мансабдорларни йўқлаш, хат ёзиш, қўнғирок қилиш ва аризаларни тарқатиш учун рағбатлантирилиши зарур. Жамоа ишлари мактабларда одатий ҳолга айланди ва улар бизнинг мактабларимизда алоҳида эътибор талаб қилади. Пойдевор мақсадларимиз сифатида танлаган Исломий тушунчаларнинг деярли ҳар бири табиий равишда жамоа иштирокига олиб келади. Биз мусулмонларнинг келгуси авлодларини тайёрлайдиган ўқув дастурларини, яъни ҳақиқатан ҳам *тавҳид* асосида бўлган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш вазифасини ўз зиммамизга олишимиз даркор. Биз танлаган ҳар бир пойдевор мақсад онгли равишда *тавҳид* билан боғлиқ, шунингдек, ҳаётимизнинг мақсади – Аллоҳга ибодат қилиш ва унинг ер юзидаги иродасини бажариш билан тааллуқли бўлиши лозим. Мусулмонларнинг ҳаёти учун зарур бўлган ушбу Исломий тамойиллар асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Мавзунинг мазмуни эса ана шу тушунчалар атрофида қурил-

моқда. Адолат тушунчасини инсоният бирлиги, тинчликни ўрнатиш, кечирим, илмга интилиш, ҳамкорлик, ҳалоллик, муносабатлар, қабилачилик ва миллатчиликнинг зарарли оқибатлари, мусибатларга бардош бериш ва Аллоҳ номи билан ҳижрат қилиш каби кўплаб шароитларда кўриш мумкин. Якуний мақсад – ўқувчиларимизга ер юзидаги ўз ҳаётларини қандай яшашлари ҳақида Худонинг йўл-йўриқлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммони, ғояни, воқеани ва тортишувларни танқидий кўриб чиқишга имкон берадиган Худога асосланган фикрлаш одатларини сингдиришдир.

Саккизинчи боб

Фитратми ёки Бихевиоризми?

Фитрат ҳар биримизга Яратувчи томонидан берилган инъом бўлиб, у ҳаётимиз давомида маълум даражада сақланиб қолади. Ясин Моҳамед *фитрат* ҳақидаги китобида мумтоз ва замонавий мусулмон олимларининг асарларини ва уларнинг турли талқинларини диққат билан ўрганган. У тилшунослик ва диний тушунтиришларнинг бирикувиغا асосланиб, *фитратни* “ўзгартириб бўлмайдиган ва барча одамларда туғилишда мавжуд бўлган туғма табиий мойиллик ...тўғри ҳаракатларга ва Аллоҳга, ягона Худога бўйсунушга мойил бўлган майли”, – деб таърифлаган.⁶ У *фитратни* асл гуноҳдан фарқли ўларок, азалдан бор фазилат деб айтади, чунки асл гуноҳ ҳақидаги таълимот Исломининг Илоҳий раҳм ва инсон масъулияти ҳақидаги тушунчаларига мос келмайди. Унинг пайқашича, *фитрат* ҳар биримизга Аллоҳ Таоло томонидан ато этилган инсоний сифат экан, гарчи атроф муҳит таъсирида бўлса-да, уни бутунлай сўндириб бўлмайди.

Фитратимизни адо этиш, Аллоҳ Таоло биз учун белгилаб қўйган вазифани ўз зиммасига олиш ҳар бир инсоннинг бош мақсади бўлиши керак. Бизнинг ақлимиз бизга яхши ва ёмонни ажратишга, ирода эркинлигимиз эса бизга қайси йўлни танлашга имкон беради. Қуръон мусулмонларга иймон келтирганлар ва яхшилик қилганлар сифатида мурожаат қилади. Аллоҳ ато қилган бу фазилатлар – *фитрат*, ирода эркинлиги ва ақл – биз, ўқитувчилар, ўз олдимизга қўйган вазифага эришиш ва Аллоҳни севадиган, адолатга интиладиган солиҳ одамларни етиштириш учун замин яратади.

Боланинг туғма соф *фитрати* атроф-муҳитнинг аниқ таъсирига мубтало бўлгани учун, биз болани чинакам Исломи муҳитда тарбиялашга ишонч ҳосил қилишимиз шарт. Ўқитувчилар биз ўқитаётган болаларнинг Исломи шайхиятини шакллантиришга ҳисса қўшишдан ва уларнинг ер юзида бўлиш мақсадини тушунишга кўмаклашишдан – уларнинг *фитратини* рўёбга чиқаришдан кўра муҳимроқ вазифага эга эмаслар. Биз ўқитувчи сифатида, бола ва Худо ўртасида табиий равишда мавжуд бўлган яқин муносабатларни ҳурмат қиламизми? Биз Худони севишга, ўрганишга ва иложи борича яхши бўлишга уларнинг табиий майлларини йўналтирамизми ва қўллаб-қувватлаймизми? Болалик ва ўсмирлик вақтида болаларга танлов қилиш ва ушбу танловларни амалга ошириш учун ўз ақллари қандай ишлатишни ўрганиш имконияти берилиши керак. Ўқитувчининг вазифаси уларни биз тасаввур қила олмайдиган келажакда қийин қарорлар қабул қилишга тайёрлашдир. Ирода эркинлиги танлов демакдир. Қандай қилиб биз, оддий одамлар, Худо берган ирода эркинлиги ҳуқуқини тортиб олиш қудратига эга бўлишимиз мумкин?

Бихевиоризм, бошқа томондан, инсоннинг хулқ-атвори фақат унинг хулқига жавобан олган муқофотлар ёки жазолар билан боғлиқ деган тушунчага асосланади. Бихевиоризм ўтган асрнинг биринчи ярмида таълим соҳасида ҳукмронлик қила бошлади ва чуқур илдиз отди. Бихевиоризмда кенг тарқалган ғоялар қуйидагилар.

1. Одамлар ва ҳайвонлар фақат кўрсатадиган хатти-ҳаракатларида фарқланади.
2. Ирода эркинлиги деган нарса йўқ.
3. Одамлар *tabula rasa* (тоза варақ) билан туғилади ва уларнинг ривожланиши уларга таъсир қиладиган стимуллар билан қатъий белгиланади.

Мусулмонлар сифатида биз Худо билан алоҳида муносабатда эканлигимизни биламиз. Ўз вазифамизни бошқа яратилган мавжудотлардек автоматик тарзда ижро этган бўлсак, мақсадимиз маъносиз бўлар эди. Биз, аниқ, Худога топиниш ва ер юзида Унинг иродасини бажариш учун яратилганмиз. Инсон ўз муҳитининг суёт қурбони эмас, балки қандай яшашни ёки ҳатто Худо бандаси сифатида яшашга арзийдими ёки йўқлигини танлаш ҳуқуқига эга бўлган тафаккур қилувчи ва оқилна мавжудотдир.

Оммабоп фикрининг ҳаёт тарзимизга таъсирини эътиборсиз қолдириш ва Ислом парадигмасига зид бўлган фаразларга асосланган амалиёт-

ларни шубха остига қўйиш тенденциясини тўлиқ англашимиз лозим. Бихевиоризм рақобат билан биргаликда ишлатилганда айниқса ҳалокатли бўлиши мумкин. Кимдир бошқалар ҳисобига ғалаба қозондиган ижтимоий қадрият сифатида рақибликни ўргатиш Исломнинг таълимидан ташқарига чиқади. Бунинг ўрнига биз ҳамкорлик ва биргаликдаги ҳаракатни рағбатлантиришимиз керак. Болаларнинг биргаликда ишлаши ва бир-бирига ёрдам беришлари кутилганда, жамоа руҳи табиий равишда ривожланади. Жамиятнинг жиддий муаммоларининг аксарияти шахс ҳуқуқларига ҳаддан ташқари эътибор бериш натижасидир: жамиятнинг заиф аъзоларини эксплуатация қилиш, атроф муҳитни вайрон қилиш, хирахандон материализм; гедонизм, шу жумладан, тартибсиз жинсий алоқалар, ичкиликбозлик ва бангилик.

Тўққизинчи боб

Ўз тақдирини ўзи белгилаш

Бугунги кунда кўплаб психологлар ўз тадқиқотларини мотивацияга ёки тегишли мавзуга, қизиқишга қаратмоқдалар. Чақалоқлар инсон табиатининг асосий қисми бўлган ўрганиш учун интенсив, ташаббускор интилиш билан туғилади. Ўз тақдирини ўзи белгилаш назарияси бихевиористлар мавжуд эмас деб рад этадиган хусусиятлар билан ирода эркинлиги, ақл ва *фитрат* билан мос келади.

Бирор нарса қизиқарли ёки ёқимли бўлса, ички мотивация мавжуд демакдир. У ўрганишга бўлган қизиқишни ва тушунишни, шунингдек, ижодкорликни ва ижобий муносабатни оширишга ёрдам беради. Аксинча, ташқи мотивация ҳаракатларга ишора қилади, чунки у ажратиб олиб бўладиган натижага олиб келади. Биз ҳаммамиз ёш болаларда меҳнатнинг ички мотивациясини кўрганмиз ва нима учун мактабгача ёшдан кейин ўрганишга бўлган муносабат кескин ўзгаришларга дучор бўлади, деб хайрон бўлишимиз мумкин. Афтидан, янги нарсаларни тушуниш ёки қабул қилиш қобилятидан келиб чиқадиган ҳаяжон йўқолади. Бу мотивация йўқолиши муқаррар эмас, лекин инсон табиатига хос бўлган Худо берган бошқа фазилатлар сингари, ички мотивация ҳам ўсиши ва гуллаб-яшнаши учун ривожланиши керак.

Ички мотивациянинг ўсишига учта психологик омил ёрдам беради: 1) мухторият (автономия), 2) хабардорлик ҳисси ва 3) боғланганлик. Мухтор одамлар ўз хатти-ҳаракатларини ўзи ўзини маъқулланган си-

фатида ва ўз қадриятлари ва манфаатларига мос равишда қабул қиладилар. Бу кўпроқ ижодий ўрганишга, стрессни камайтиришга, қувват ва ҳаётийликни оширишга ҳамда ижобий ижтимоийлашувга олиб келади. Бундай шахсий маъқуллаш оилавий ва диний қадриятларга мослашиш истаги бўлиши мумкин ва кўпинча шундай бўлади. Индивидуализм ва мустақиллик мухторият билан тенглаштирилмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мухторият муносабатларнинг мустаҳкамлигини оширади.

Мухторият буйруқлар, таҳдидлар, муддатлар, рақобат, шартли мукофотлар, баҳолар, сертификатлар ва ҳатто мақтов шаклида назорат ва қабул қилинадиган назорат қилиш орқали бузилади. Натижада мақсадга қаратилганлик кўпроқ ташқи омилларга боғлиқ бўлади.

Ички мотивация хабардорлик ёки хабардорликни идрок қилиш орқали кучаяди. Ўқитувчилар боланинг хабардорлигини камайтирадиган таққослашлар ва рақобатдан қочишлари зарур. Оддий бола таслим бўлишдан олдин қанчалик аён ўрғачалик ёки муваффақиятсизликларга дош бера олади?

Боғланганлик ёки мансублик ҳисси инсоннинг асосий эҳтиёж бўлиб, ички мотивация учун муҳимдир. Исломий мактабларни ҳимоя қилишда муҳим тушунча – болалар ўзлари алоқани ҳис қилишни истаган кишилар билан муносабатни сезишлари лозим. Ўқитувчи болаларнинг умумийлик ва қабул қилиш туйғусини бошдан кечириш кераклигини тушунган тақдирда боғланганлик синф ўқитувчиси томонидан осонлик билан амалга оширилади. Ўқитувчилар барча ўқувчиларни рақобатдан фарқли ўлароқ, ҳамкорликка ва шахсий маҳоратга алоҳида эътибор қаратган ҳолда иштирокини рағбатлантирадиган синфларда, эҳтимол, кучли жамоа туйғуси намоиш этилади. Ўқитувчилар дўстона, қўллаб-қувватловчи ва ёрдам берадиган, лекин шу билан биргаликда умидвор бўладиган сифатида қабул қилинганида умумийлик туйғуси устунлик қилади.

Қобилиятларни гуруҳлаш, болаларни ўрганишнинг тахмин қилинаётган туғма қобилиятига кўра саралаш ички мотивацияга зарар етказганлиги исботланган. Бу синфда ёки мактабда амалга оширилганлигидан қатъий назар, шундайдир. Болаларни бу тарзда саралаш натижаси ақлнинг ҳақиқий иерархиясига олиб келмайди, фақат озчиликларга мансуб ва кам маълумотли оилалардан бўлган болалар билан оилалари бойроқ ва ўқимишли бўлган болалар ўртасидаги фойдасиз ҳолатни кучайтиради. Ишончли тарзда кўрсатилишича, қуйи даражадаги-

лар ҳеч қандай тикланишни бошдан кечиришмайди, балки шунчаки кўпроқ орқада қолишади. Натижада, одатда мактабдан ташқаридаги ҳаётда энг кам нарсаларга эга бўлган болалар ҳам мактаб тажрибасидан ҳам энг кам фойда кўришади.

Ўнинчи боб

Исломиё фуқаролик фаоллиги

Албатта, Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф қилдик. Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Уни инсон кўтарди. Дарҳақиқат, у ўта золим ва ўта жоҳилдир.

(Қуръон, 33:72)

Бизнинг вазифамиз ер юзида Худонинг иродасини бажаришдир. Бундай шон-шараф, лекин қандай масъулият! Биз яратиш бойлиги билан барака топамиз, лекин бу неъматлар билан жиддий мажбурият келади. Бизга ҳимматларни кўриқлаш ва уларни бошқариш вазифаси юкланган, шунингдек, уларни ҳозир ва келажакда бутун мавжудотнинг манфаати учун ишлатиш ва ер юзида адолат қарор топиши учун қўлимиздан келганини қилиш топширилган. Ички иймон етарли эмас. Биз ҳам чора кўришимиз зарур. Талабаларимизга топшира оладиган нарсалардан ҳеч нарса бундан муҳимроқ эмас.

Эй иймон келтирганлар! Адолат ила туринг ҳамда агар ўзингиз, ота-онангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинг. Агар у бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам, Аллоҳ унга яқинроқдир. Ҳавои нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг. Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир. (Қуръон 4:135)

Агар биз адолатга эриша олмасак-чи? Қуръонга кўра, биздан адолатга эришиш эмас, балки доимо унга интилиш талаб этилади. Агар ҳар биримиз, ёки ҳатто кўпчилигимиз, инсон оиласида бу муқаддас бурчни ўз зиммасига олган бўлсак, биз азоб-уқубатлар, урушлар ва зўравонликлардан парчаланиб кетадиган дунёда яшамасдик. Биз фарзандларимизни атрофдаги адолатсизликлардан хабардор бўлишга ва улар ўз дунёсини шу ерда ва ҳозир яхшилашни фаол бошлашлари мумкинлигини тан олишга ундашимиз керак. Кимдир синфдош устидан куляптими ёки уни хўрляяптими? Айбсиз одамга ноҳақ муомала қилинаётгани ҳақида хабарларда айтиладими? Ёрдамга муҳтож дўст ёки таниш билан яқин бўлишга ҳар бири тайёirmi? Улар ўзларига

нима қилар эдилар ва нима қилиш керак, деб сўрашлари лозим. Уни ўз қўли билан ўзгартирармидилар? Буни оммага ошкор қилишармиди? Ёки улар буни қалбларида қоралашармиди? Улар давом этаётган ёвузликларга қарши туриш учун айна вақтда нима қилмоқдалар? Келинг, биз ғамхўрлик қилаётган одамларга «амалсиз иймон етарли эмас, яхши ишларсиз ибодат оз нарсани англатади» деган Қуръонда ва Пайғамбар суннатида қайта-қайта такрорланадиган хабарини таъкидлаб ўтайлик. Кўпинча, аксарият томонидан амалга оширилган кичик, босқичма-босқич адолатли ҳаракатлар дунёни яхши томонга ўзгатириши мумкин ва уни аллақачон ўзгартирган.

Тез-тез биз шахсларга нисбатан адолатсизлик ҳақида ўйлаймиз, лекин одатда у одамларнинг бутун бир гуруҳига ёки маълум бир тоифага мансуб бўлган шахсга юклатилади. Суистеъмол қилиш мунтазам равишда қабилавий, этник, диний ёки ирқий келиб чиқишига, яъни қурбонларни меъёр деб ҳисобланадиган нарсалардан ташқарига олиб чиқадиغان ҳар бир нарсага асосланади. Фарзандларимиз стереотиплар ёки сохта фикрларга асосланган салбий ҳис-туйғуларга эга эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ўз қалбларини текширишга ундашларимиз керак.

Фақат инсоният жисмоний яратишни ҳимоя қилиш учун куч ва маъсулиятга эгадир. Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда ерни фақат одамзот учун эмас, балки барча тирик мавжудотлар учун ёйганлигини айтади. Шундай қилиб, етакчилиқни ўз зиммамизга олган ҳолда, биз нафақат ҳамма жойда одамларнинг ва келажак авлодларнинг ҳаётини яхшилаш учун, балки бу дунёни баҳам кўрган бошқа жонзотлар учун ҳам яратишни ҳимоя қилишимиз зарур.

Яратиш бизни жисмоний эҳтиёжлар билан таъминлайди, лекин у ҳам қалбимизни озиклантиради. Табиат ҳақида фикр юритиш орқали биз Худо, Унинг донолиги ва Унинг қудрати ҳақидаги тушунчамизни кенгайтираемиз. Фарзандларимизни мўъжизани, ажойиб муносабатлар тармоғини, ҳар бир яратилган мавжудотнинг мақсадга мувофиқлигини тушунишга олиб борайлик. Яратилишдаги ҳар бир нарсанинг мақсади бор ва у Худо томонидан тайинланган вазифани бажаради деган маънода мусулмондир.

Ҳаёт бойлик ва моддий мол-мулкни тўплашни талаб қиладиган замонавий тушунчаси рекламага оид умумлаштириш билан доимо ёғдирилган болаларимизга таъсир қилади. Биз уларга янада кўпроқ “нарсаларга” эришиш мақсади ресурсларнинг камайиб кетишига, атроф-муҳитнинг

вайрон бўлишга ва камроқ омади келганларнинг кашшоқлашувига олиб келишини тушунишларига ёрдам бера оламизми? Биз мураккаблаштирмаслигимиз, балки олдини олишимиз керак бўлган ҳолатлар! Ёш болаларга нима учун бу ерда эканликларини тушунишларига ёрдам бериш, фарзандга ҳаётда маънавий муваффақиятга эришиш учун ҳаётини ўзи режалаштиришни ва ишлашни бошлаш мумкинлигини билдириш – ижобий ва амалийдир.

Мусулмонлар Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг ибратли намунасига сазовор бўлдилар. Муаллимлар сифатида биз, айниқса, унинг хулқ-атвори намунасидан, хусусан, болаларга бўлган муносабатидан баҳраманд бўлишимиз мумкин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон бирор болани урмаганлар ёки қўпол гапирмаганлар. У сабр-тоқатли, меҳрибон ва ҳурматли эдилар.

Намуна моделига асосланган таълим нафақат маълумот беришга, балки тегишли турмуш тарзини, ҳаётий позицияни ва дунёқарашни қучайтириш истагининг туғма мойиллигига асосланган. Норасмий ва тажрибага асосланган таълим талаба ва ўқитувчи ўртасида камроқ расмий муносабатларни талаб қилади. Биргаликда ўрганишга урғу берадиган лойиҳа асосидаги синфлар “сайёр дарслар”, лагерлар, пазандачилик ёки боғдорчилик каби амалий ҳаёт тажрибаси ва синф ўқитувчисининг дарсдан ташқари тадбирларда иштирок этиши сингари табиийки, намуна моделига асосланган ўрганиш талаб қиладиган камроқ расмий муносабатларга олиб келади.

Фарзанднинг *фитрати* долзарб бўлган сари ривожланиб борувчи Исломиё шахс ўзига хосликни ўз ичига олади. Қўшма Штатлар ва Канададаги мусулмонлар ягона маданиятга эга бўлган ажралмас жамият бўлишдан йироқдир. Бу кўпинча мусулмонларнинг ўзларини хавфсиз ҳис қиладиган маданий маконига чекинишга олиб келиши мумкин. Бироқ, бу кўп маданиятли муҳит бошқалардан фойда олиш ва ўрганиш учун ажойиб имконият яратади. Бу ерда ушбу дин ҳақидаги тушунчаларимизни яхшилайдиган турли хил Исломиё амалиётларни ва нуқтаи назарларни онгли равишда кўриб чиқиш имконига эгамиз.

Фарзандларимиз биринчи навбатда ўзлари ўсган мамлакат билан ўзини тенглаштирадиган мусулмон бўлишини қабул қилишимиз талаб этилади. Маданият муқаррар ва осонлик билан атроф -муҳитдан сўрилмоқда. Уни, албатта, оила ва яқин дўстлардан, шунингдек, танишлар ва ҳамкасблар, кўшнилари ва оммавий ахборот воситаларидан ва тобора кўпроқ ижтимоий тармоқлардан сингдирамиз. Талабаларимизни келажакда дуч кели-

ши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятга тайёрлаш бизнинг бурчимиздир. Биз буни уларга Қуръоннинг энг асосий элементларини ва Пайғамбар мисолларини танқидий идрок этиш воситалари билан таъминлаш ҳамда уларнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган қийинчиликларга чуқур ўйланган қўллаш орқали амалга оширамиз.

Шубҳасиз, бола учун уйдан кўра муҳим атроф -муҳит йўқ. Оила ҳамма нарсадан афзалдир. Ҳиссий жиҳатдан хавфсиз, шунингдек, Худога ва бир-бирига бўлган муҳаббатга тўла уйда ўсган болалар солих эркак ва солих аёл бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Ўқитувчилар қатори биз болага энг якин бўлганларнинг салбий таъсирини енгиш қанчалик қийинлигини биламиз. Биз сифатли таълим нимани англатишни мустақил равишда ўрганишга қизиққан ота-оналарсиз олдинга силжий олмаймиз. Ғарбда яшовчи мусулмон болаларининг аксарият ота-оналари зурриётлари фаол ва амал қилувчи мусулмонлар бўлиб етишишини табиий деб биладилар. Фарзандларини ИсломиЙ мактабга бериш учун муҳим қадамни қўйганларнинг кўпчилиги мактабдан ташқарида атроф -муҳитни эътиборсиз қолдиришади. Телевидение, ижтимоий тармоқлар ва видео ўйинлар болаларимизни оммавий маданиятнинг энг ёмон хулқи билан таништириши мумкин. Чақириқ жуда кучли, лекин болаларнинг иштирок этишга йўл қўймаслик жуда қийин, ҳатто айрим ўринларда бу имконсиздир.

Ота-оналарнинг ўзлари фарзандларининг бошидан кечираётганларидан беҳабар бўлганларида вазият янада ёмонлашади. Аксар ҳолларда ўсмирларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари “ҳақиқий” дунёдан хабардор эмаслар, деб ҳисоблашади. Болаларимиз бизнинг қўрқувларимиз ҳақиқий эканини тушунишлари лозим. Юқоридан пастгача назорат қилиш ўрнига очиқ мулоқот қилиш керак. Бу болаларга ғамхўрлик уларнинг маъновий фаровонлиги эканлигини ва ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам уларнинг саволлари ва ташвишларини муҳокама қилишга тайёрлигини тушунишларига ва баҳолашларига ёрдам беради.

Яратганнинг мақсадини амалга ошириш бизни масъулият ва билимга мажбур қилади. Аниқ фикрлаш ва масъулиятли бўлиш қобилияти Худонинг доимий хабардорлигидан келиб чиқади. Бизнинг таълимимиз ҳар доим инсониятнинг Худонинг умидлари асосида барча фаолият тушунишнинг пойдевор мақсадига қаратилган бўлиши шарт.

Ўн биринчи боб

Олға томон ҳаракат

Бу бўлимда асосан Исломий мактабларимиздаги қийинчиликлар ва умидлар жамланган. Давлат мактабларида муаммолар жуда каттадир ва ислоҳот учун жасоратли саъй-ҳаракатларга қарамай, тарраққиёт аста-секин амалга ривожланмоқда. Афсуски, ислоҳотлар содир бўлганда, уларнинг сусайишга ва охир-оқибат йўқолишга мойиллик бор. Бу Исломий мактабларга тааллуқли бўлмаслиги керак.

Биз ва бошқа хусусий мактаблар самарали, энг замонавий ва илғор таълимни тақдим этишда кўпроқ эркинликка эгамиз. Бу кўплаб мустақил мактаблар ғурур билан қабул қиладиган вазифадир. Бироқ, кўпинча Исломий мактаблар оддий давлат мактаблари атрофида тавозе билан жипслашадилар. Ушбу саҳифаларда келгуси авлодларни дунёни яхши томонга ўзгартирадиган серғайрат мусулмонлар сифатида тайёрламоқчи бўлсак, мактабларимизни Ислом руҳида янгилаш зарурлиги таъкидланади. Асосий оқимдан ташқарида бўлган тақдирда, биз нимани ва қандай қилиб уни ўргатиш борасида муҳим ваколатга эгамиз. Лекин бу ваколатни эгаллаш ҳамда уни сақлаш ва қўллаб-қувватлаш зарур. Мусулмонлар сифатида бошқалар учун энг яхши намуна бўлиш муқаддас бурчимиз эмасми? Аллоҳ бизга ўз мақсадларимизга шубҳа қилишга ундайдиган ақл-идрокни ато этган. У бизга ҳидоят берди. Шунингдек, У бизга ирода эркинлигини ва биз дуч келадиган вариантлардан танлаш ҳуқуқини берган. Ушбу инъомлар билан бирга масъулият ҳам келади.

Бизнинг Исломий мактабларимиз фарзандлари Худони инкор этадиган маданий контекстда мусулмон бўлиб улғаймаслиги, ҳатто Ислом ва мусулмонларга нисбатан душманликка дуч келиши мумкин бўлган ота-оналарнинг ҳақиқий кўрқувлардан келиб чиқмоқда. Кўпинча, мактаб очилганда таъсис этувчилар фақат Исломий мактаб бўлиши кераклигини ҳал қилишади, лекин улар бу нимани англашишни ўйламайдилар.

Сиэтл шаҳридаги Ислом мактабида ўтган ўн йилликлар давомида мен ушбу китобда Исломий деб таъкидлаган мезонларга жавоб берадиган мактаб яратиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Бу нафақат Қуръон ва араб тилини ўргатиш, ибодат учун бирлашиш ва Ислом асосларини, яъни мен бу ерда зўрға тўхталиб ўтган мавзуларини ўргатиш, балки ўқувчиларимизни динимиз доирасида ҳақиқий ҳаётга

тайёрлайдиган пойдевор тамойилларга асосланган таълимимизни қуришди. Бу осон эмас.

Ота-оналар кўпинча уларга ноанъанавий кўринган Исломиё мактабга ишонишлари қийин, албатта. Мамлакатнинг аксарият қисмларида ота-оналарнинг кўпчилиги мусулмон муҳожирлар бўлиб, улар тез-тез ўзгаришларга қаршилик кўрсатишади ва ҳеч қачон ўз ватанларида олган таълим тарихига шубҳа қилмайдилар. Уларни тахминан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ бу мамлакатга таълим олиш учун келганлар. Улар таълимнинг асосий мақсадини фарзандларини келажакдаги молиявий муваффақиятга тайёрлашда кўришади ва Исломиё муҳитда бўлса ҳам стандартлаштирилган тестларда юқори балл олишни айниқса қадрлашади.

Муҳожирларнинг иккинчи гуруҳи кичик шаҳарчалардан келган, кўпинча ватанидагига ўхшаш мактабни, Қуръон ёдлашга алоҳида эътибор бериладиган мактабини қидиради. Иккала гуруҳдаги “дунёвий” таркибий қисм одатда Исломиё нуқтаи назаридан таҳлил қилишга уринмасдан ўқитилади. Биринчи муҳожирлар гуруҳи орасида Исломиё одатда бириктирилади. Иккинчи гуруҳдагилар ўзлари кўникиб қолган Исломиё изчиллигидан жуда узоқ бўлиб кўринадиган ҳар қандай нарсадан кўрқисади. Шу боис унга дунёвий деб аталадиган мавзулар кўшилади.

Тарихимизнинг бу босқичида биз кўпчилиги ҳеч қачон Исломиё таълим қандай бўлиш кераклиги ҳақида чуқур ўйлаб кўрмаган Ғарбдаги мусулмонларнинг аксариятига мурожаат қила олмай қолишимиз мумкин. Шунга қарамай, таълим ҳақидаги белгиланган ғояларга танқидий қарашга тайёр бўлганлар ҳам, хусусан, бу жамиятда улғайган мусулмонлар бор. Бир неча сабабларга кўра, Ғарб дунёсидаги мулоҳаза қилувчи ота-оналар ва ўқитувчилар мактабларимизни Исломиёнинг ҳақиқий руҳида янгилаш учун энг яхши ҳолатда кўришлари мумкин. Бизнинг Исломиё мактабларимиз деярли ёш ва бугунги кунда ушбу мактабларда жуда чуқур илдиз отган халқ педагогикаси ёки “мактаб таълими грамматикасига” камроқ боғланган. Иккинчидан, Ғарбда ўсганлар мусулмон мамлакатларидаги неокOLONиализм шароитида яшаётганларни кўпинча енгадиган пасткашлик туйғулари билан камроқ юкланади. Бундан ташқари, мавжуд ҳолат ҳақида чуқур фикрли ва ижодий англашнинг устунлик қилувчи маданияти бизнинг зийраклигимизни рағбатлантиради, шунингдек, мусулмон бўлмаган зиёлиларнинг ғояларини, бугунги кунда кўпинча ўзини Исломиё сифатида намоён бўлган ғояларни қабул қилишга ундайди.

Яхшиямки, энг замонавий ва илғор Ғарб эпистемологияси ушбу саҳифаларда кўриб чиқиладиган Исломий деб ҳисобланган бир неча муҳим тушунчаларни бугунги кунда Ғарб фикри билан ўтмишга қараганда камроқ зид бўлган ҳолга келтирилди. Одамзод вакиллари табиатан тенг, бир-бирига ўхшаш ва умумий келиб чиқишига эга эканлиги ҳозирги кунда билимли ва ақлли кишилар томонидан кенг эътироф этилмоқда. Редукционизм, бихевиоризм ва боланинг онги шунчаки бўш варақ деган ғоядан воз кечилди.

Гарвард олий таълим мактабидан иккита ғайримусулмон, 11-сентябрь воқеасидан кўп ўтмай, исломофобияга қарши курашда фаол иштирок этишга интилиб эшикларимизда пайдо бўлди. Уларнинг раҳбарлик йиллари Сиэтл шаҳридаги Ислом мактабига хизмат қилган даврга тўғри келди. Бу бизнинг “Исломий” таълим ҳақидаги тушунчамиз Гарвардда олға сурилган илғор педагогика билан қандай уйғунлашганини идрок қилишга олиб келди.

Бир дўстим кўп йиллар давомида Исломий мактабга эга эди ва у ўша даврда маҳаллий масжид билан бирин-кетин даҳшатли воқеаларни бошдан кечирган. Курашлар ичида ўраланиб қолишдан чарчаган ҳолда у мактабни ташлаб, олға юришга қарор қилган. У Монтессори тизимида ўқитувчи сифатида таълим олган ва оқибатда ўзининг шахсий назорати остида ва жуда зарур бўлган янги мактабни очган.

Мактаб фақат ота-оналар тушунганида, у билан рози бўлиб, чуқурроқ мақсадга содиқ қолганда ривожланиши мумкин. Агар асосчилар ўзлари яратмоқчи бўлган нарсадан хабардор бўлсалар ва аниқ тушунсалар, шунингдек, буни Аллоҳга бўлган иймон, Исломий тамойилларга содиқлик ва келажак мусулмонларни тайёрлашга фидойилик билан амалга оширсалар, улар муваффақиятсизликка учрамайдилар.

А ИЛОВАСИ

МОНТЕССОРИ: ИСЛОМИЙ МАКТАБЛАР УЧУН НАМУНА

Монтессори болаларнинг қандай билим олишлари ҳақидаги илмий тадқиқотлари, уларнинг аксарияти ҳозирги изланишлар билан тасдиқланган; унинг ажойиб тарзда ишлаб чиқилган, ўзларини тузатадиган ва барча сезги аъзоларини ўз ичига оладиган ўқув материаллари; ёшни аралаштириш; болалар мебеллари учун қатъий талаб; амалда ўқитиш; ички мотивациянинг аҳамияти – буларнинг барчаси унинг даҳосига далолат беради ва бугунги кунда кўплаб ўқитувчилар, айниқса, энг ёш болаларни ўргатаётганлар томонидан умумий эътироф қилинади. Бирок, Монтессори методологияси кўплаб мусулмон муаллимларини унинг педагогикасини қабул қилишга ундаган чуқур маънавий ва фалсафий пойдеворнинг кўз илғайдиган кўринишидир.

Унинг Ислом билан баҳам кўрган бир қанча тамойиллари орасида Исломий *фитрат* тушунчасига мос келадиган инсон табиатини тушуниш; яратилиш, билим ва одамзод бирлигига содиқлик; инсониятнинг вазифасига урғу ва тинчлик руҳида таълимга содиқликдир.

Сиэтл шаҳридаги Ислом мактаби бир марта Монтессори тизимида учта диний мактабда, Исломий мактабимизда, шунингдек, Католик мактабида ва Яҳудий мактабида таълимни танлашга қаратилган нашрда чоп этилди. Монтессорининг мистик дунёқараши мақсадга қаратилган Яратувчига умумий эътиқод ва инсоният Унинг ер юзидаги вакили эканлигига комил ишончнинг асосини ташкил қилади.

Монтессори тиббий касбдан воз кечишга ва ўз ҳаётини фарзандларни ўқитишга бағишлашга қарор қилди. У ўзини дунёдаги барча туғилган ва туғилмаган болаларга бағишлаганини эълон қилди. Унинг таъсири умумбашарий эди. У маданият ёки синф ўртасида фарқ топмади ва унинг мактаблари бутун дунёга тарқалди. Такрорлайман, у таълимнинг асосий вазифаси тинч ҳамкорликни рағбатлантириш ва Худонинг иродасига эришиш учун сохта фикрдан қутулиш кераклигига ишонди.

Унинг якуний мақсади тинчлик эди ва у уч марта Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. Унинг фикрича, тинчлик катталарнинг сохта фикрлардан холи бўлган боладан бошланиши керак.

Ўз-ўзини билишга олиб келадиган танлов эркинлиги ҳар бир одамнинг ҳаётдаги вазифасини тушунишига имкон берадиган ижодкорлик ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш имконини берар эди.

Бу чинакам ўз-ўзини ҳурмат қилиш табиий равишда тенгдошлар ўртасида ҳамжиҳатликнинг биргаликдаги ва рақобатбардош бўлмаган муносабатларига олиб келар эди. Оқибатда, улар бутун инсониятни, шунингдек, яратилишнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги ҳақида тушунчани ўз ичига олиб, ташқи дунёга кенгаяр эдилар. Монтессори синфида тинчлик руҳида таълим беришга алоҳида эътибор қаратилади, ҳамкорлик рағбатлантирилади, рақобат эса маъқулламайди. Фарзандларга келишмовчиликларни тинч ва табиий равишда бартараф қилиш учун жой ва вақт берилади.

Ҳақиқатан ҳам қатор мусулмон ўқитувчилар Монессори жуда кўп асосий Исломиё тамойилларни қамраб олган бир бутун тизимни ривожлантиришга жуда яқин келган деб ҳисоблашади. Монтессори тизими таълим, махсус материаллар билан, шунингдек, унинг издошларининг бир асрлик тажрибаси ва билимлари билан тўлдирилганлиги сабабли қўшимча афзалликларга эгадир.

Изоҳлар

1. Раймонд Э. Каллахан, Таълим ва самарадорликка сиғиниш: Давлат мактаблари маъмуриятини шакллантирган ижтимоий кучларни ўрганиш (Чикаго: Чикаго университети матбуоти, 1962), 62-саҳифа.
2. Джон Тэйлор Гатто, Америка таълимнинг махфий тарихи: Мактаб ўқитувчисини замонавий мактаб таълими қамоқхонаси ҳақида пухта тергов қилиши, қайта кўрилган нашр (Нью-Йорк: Оксфорд Вилледж Пресс, 2006), 187-саҳифа.
3. Ўша ерда, қаранг, 187-саҳифа.
4. Марион Брейди, Нимани ўрганиш керак? (Информэйшн Эйдж Пабблишинг, 2010)
5. Джей Мактиг ва Грант Уиггинс, Мухим масалалар: Ўқувчилар тушунишлари учун эшикларни очиш (Александрия, Виржиния штати: Ўқув дастурларини назорат ва ривожлантириш уюшмаси, 2013)
6. Ясин Моҳамед, *Фитрат*: Инсон табиатининг Ислом тушунчаси (Лондон: Та-Ха, 1996)

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир.

Энн Эл-Мослимани таълимни *Тавҳиднинг* (Яккахудолик, инсоният, билим) асосий тамойиллари, *фитрат* (инсон табиати тушунчаси) ва ер юзидаги Худонинг халифалари (масъулият ва раҳбарлик) сифатида одамларнинг вазифаси асосида ўрганади.

Ҳозирги таълим тизими юз йилдан ошган ва “қайта тиклашга” жуда муҳтождир. Саноат жамиятини ривожлантириш жараёнида таълим тизимининг ўзи фабрикага ўхшаб қолди. Унинг якуний маҳсулоти оддийгина фактларни ёғдирадиган талабалар ва ўзлари кенгроқ саноат мажмуасини ифодаловчи машинада винтларга айланади. Бунинг мероси одамларнинг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжлари ва умидларига мос равишда ўқувчиларни ривожлантиришга қодир бўлмаган руҳсиз “функционал” таълим тизимидир. Бу муваффақиятсизлик муқаррар равишда жамият ва бутун инсониятга таъсир қилмоқда. Жамият узоқ вақтдан бери саноат инқилоби доирасидан ўтиб, ўзаро глобал боғлиқлик даврига кирди, бунда инсон билимлари тўпламидан Интернет орқали эркин фойдаланиш мумкин. Бу одамлар турли хил масалалар бўйича яхшироқ хабардор бўладиган даврдир.

Бола ўрганадиган ҳар бир нарсага тўлиқ маънавий маъно берадиган самарали яхлит таълим фалсафаси керак. У болаларда заковат ва миннатдорлик туйғуси билан қўллаб-қувватланадиган маънавий тушуниш (онглилик), ахлоқ ва қадриятлар, ижтимоий масъулият ва мажбуриятлар, ўзини тута билиш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти, ўз кучига ишониш ва ваколатлар, шунингдек, нафсоният ва мақсадларни сингдириши лозим.